

# Вараъ



12:53 / 07.03.2018 5284

Тақво билан вараъ орасидаги фарқлар қуйидагилар:

1. Тақво ҳимояга тайёргарликдир.

Вараъ шубҳани даф қилишдир.

2. Тақво сабаби аниқ нарсадир.

Вараъ сабаби гумон нарсадир.

3. Тақво инсоннинг ўзи сақланаётган нарсдан ҳазир бўлишидан иборат бўлиб, у ила инсон ва унинг ёмон кўрган нарсаси орасида тўсиқ ҳосил бўлади.

Вараъ эса оқибати нима бўлиши гумон бўлган нарсадан нафсинг жудо бўлишидир.

«Вараъ» сўзи араб тилида «бир нарсадан ўзини тийиш ва тортиниш», «хижолат бўлиш» маъносини билдиради.

Уламолар «вараъ»нинг истилоҳий маъноси ҳақида бир-бирини тўлдирувчи бир неча таърифларни айтганлар.

Муновий: «Вараъ сени шубҳага солган нарсани тарк қилмоғинг, айб бўладиган нарсани рад қилмоғинг ҳамда энг ишончлисини олиб, нафсни машаққатга солмоғингдир», деган.

Баъзилар: «Таом ва либосга назар солиб, шубҳаси борини тарк қилмоқдир», дейишган.

Яна бир қавлга биноан: «У шубҳали нарсалардан четда бўлиб, хатарли нарсаларни муроқабачилишидир».

Роғиб: «Вараъ дунё матоҳларини олишга шошилишни тарк қилишдир», деган.

Вараъ ҳаром ва макруҳ нарсалардан бўлади, вожиб ва мустаҳаблардан эмас.

**Вараъ ҳақида келган ҳадислардан намуналар:**

*Ҳузайфа ибн Ямон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга:**

**«Илмнинг фазли ибодатнинг фазлидан яхшидир. Динингизнинг яхшиси вараъдир», дедилар».**

*Табароний ва Баззор ривоят қилишган.*

*Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида бир кишининг ибодати ва ижтиҳоди зикр қилинди ва бошқа бир кишидаги вараъ зикр қилинди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Вараъга ҳеч нарсани тенглаштириб бўлмайди», дедилар».**

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Ҳасан ибн Али розияллоҳу анҳу садақанинг хурмосидан бир дона олиб, оғзига солди. Бас, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қиҳқиҳ!» деб ташлатмоқчи бўлдилар. Сўнгра:**

**«Биз садақа эмаслигимизни сезмаганмидинг?» дедилар».**

*Икки шайх ривоят қилишган.*

*Муслимнинг ривоятида:*

**«Бизга садақа ҳалол эмаслигини билмабмидинг?!» дедилар», дейилган.**

*Ибн Можа зайф санад ила Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилган узун ҳадисда шундай дейилади:*

**«Тадбирга ўхшаш ақл йўқ. Ўзини тийишга ўхшаш парҳезкорлик йўқ. Ҳусни хулқчалик ҳасаб йўқ».**

*Имом Аҳмад «Зухд»да Муҳаммад ибн Сийриндан ривоят қилади:*

«Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳудан бошқа одамнинг еган таомини ўзини мажбурлаб қусиб юборганини билмайман. Унга бир таом келтирилган эди, ундан еди. Кейин унга:

«Буни Ибн Нуъмон олиб келган эди», дейилди.

«Менга Ибн Нуъмоннинг коҳинликдан топганини егиздингизми!?» деди-да, ўзини мажбурлаб қусиб юборди».

*Абу Нуъайм «Ҳуля»да Зайд ибн Арқам розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:*

«Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг бир қули бўлиб, у ишлаб, бир нарсалар топиб келар эди. Бир кеча у таом олиб келди. У киши ундан бир луқма тановул қилди. Қул унга:

«Сенга нима бўлди? Ҳар кеча мендан сўрар эдинг. Бу кеча сўрамадинг?» деди.

«Бунга мени очлик мажбур қилди. Буни қаердан топдинг?» деди у.

«Жоҳилият пайтида бир қавмнинг олдидан ўтиб, уларга дам солган эдим. Ўшанда улар менга бирор нарса беришни ваъда қилишган эди. Бугун

уларнинг олдиларидан ўтиб кетаётсам, тўй бўлаётган экан, ўша ваъда қилган нарсаларини беришди», деди қул.

Абу Бакр: «Мени ҳалок қилай дебсан-ку!» деди ва қўлини ҳалқумига тикиб, қусишга урина бошлади. У нарса чиқмай туриб олди. Унга:

«Бу нарса фақат сув билан чиқади», дейилди. У бир жомда сув опкелтирди-да, ундан ичиб, қусишга уринди. Охири у нарсани чиқариб ташлади. Шунда унга:

«Аллоҳ раҳмингни есин, бир луқмани деб шунчалик қиласанми?!» дейилди. У эса:

«Агар бу жоним билан қўшилиб чиқадиган бўлганда ҳам, албатта чиқарар эдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ҳаромдан ўсган ҳар бир жасадга олов ҳақлидир», деганларини эшитганман. Ушбу луқмадан жасадимда бирор ўсиш бўлиб қолмасин деб қўрқдим», деди.

***Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф***

*(Руҳий тарбия китобидан)*